



Ислом Нури

Абдулмалик ал-Қосим

Дўстлар борасида сўрадим савол:

менга хабар беринг, уларда не ҳол?

Менга дедиларки: Албатта улар

бу ёруғ дунёдан қилдилар сафар.

Топғайманму,- дедим, - агар изласам,

- Аллоҳга қасам

Қилган амалларга йўлиқиб зотан,

Қабрларни тутдилар маскан.

Опам ранги оқариб, нимжон бўлиб қолганди. Лекин у одатига кўра, доимо Қуръон ўқирди. Қидирган пайтимизда уни намоз ўқийдиган хонасида рукуъ, сажда қилиб, қўлини осмонга кўтариб дуо қилаётганини кўрардик. У эрта- ю кеч, ҳатто тун ярмида ҳам мана шундай, чарчаш нима, зерикиш нима билмасди. Мен эса адабий журналлар ва ҳикояли китобларни ўқишга қизиқардим. Ниҳоят даражада кўп видео томоша қилардим. Уй вазифалрини тўлиқ бажармасдим ва намозларимни ўз вақтида одо қилмасдим.

Мана, уч соат давомида тўхтовсиз ҳар хил филмларни кўриб бўлиб, видео апаратыни ўчирганимдан кейин, ёнимиздаги масжиддан азон



Ислом Нури

овози эшитилди. Ётиш учун ўрнимга бордим. У намоз ўқийдиган хонасидан мени чақирди.

- Ҳа! Нима дейсан, эй, Нура?,- дедим.

У менга ўткир овози билан:

- Бомдод намозини ўқимасдан ухлама,- деди.

- Уҳ ҳ ҳ ҳ,- дедим.

У яна мулойим овози билан:

- Бомдод намозига бир соат қолди, эшитдингми, биринчи тонг азони айтилди,- деди.

Оғир касал бўлиб, тўшакка ётиб қолишидан илгари у доим мана шундай эди. Мени чақирди:

- Эй Ҳано, ёмига кел.

Мен умуман унинг талабини рад қилолмайман, унинг софлиги ва тўғрилигини билганингдан кейин шубҳасиз мажбур бўлиб, “лаббай” деб жавоб берасан.

- Нима дейсан?...

- Ёнимга ўтир.

- Мана ўтирдим, нима дейсан?

У майин ва таъсирчан овози билан Қуръон оқиди. **“Ҳар бир жон**



Ислом Нури

Ўлимни тотгувчидир. Ва Қиёмат Кунда ҳеч шак-шубҳасиз, ажр-савобларингизни комил суратда олурсиз”. («Оли-Имрон»-185). У бир оз жим туриб, кейин мендан сўради:

- Ўлимга ишонмайсанми?

- Нега энди, албатта ишонаман.

- Сен катта-ю кичик барча гуноҳларингга ҳисоб беришингга ишонмайсанми?

- Албатта ишонаман, лекин Аллоҳ кечиргувчи, раҳмдил зот, умр эса узун...

- Эй синглим, тасодиф ўлимдан қўрқмайсанми? Мана қара, Ҳинд сендан ёши кичик бўлса ҳам машина ҳалокатида вафот этди. Фалончи ва фалончилар-чи? ўлим ёшга қарамайди. Унинг ўлчови йўқ.

Унинг намоз ўқийдиган қоронғи хонасидан ваҳимага тушиб, титроқ овоз билан унга жавоб бердим:

- Мен қоронғидан қўрқаман. Сен мени ўлимдан қўрқитиб қўйдинг. Энди қандай қилиб ухлайман? Бу йилги таътилда дам олиш учун сафарга биз билан бирга чиқишга розисан деб ўйлагандим.

Тўсатдан унинг овози хириллаб кетганди, бундан менинг юрагим титраб кетди.

- Эҳтимол, мен бу йил бошқа жойга, узоққа сафар қилсам керак. Ахир, Ҳано, умрлар Аллоҳнинг қўлида-ку,- деди.



Ислом Нури

Менинг кўзимдан ёш отилиб чиқди. Мен унинг касалининг оғирлиги тўғрисида ва шифокорлар дадамга унинг бу касали унга узоқ умр бермаслигини яширинча гапирганликлари тўғрисида ўйладим. Лекин буни унга ким айтди? Ёки у ўзи бунинг бўлишини кутяптими?

- Нимага ўйланиб қолдинг?,- бу сафар унинг овози менга кучли келди-бу нарсаларни касал бўлганлиги учун айтмоқда,- деб ўйлайсанми? Ўй, эҳтимол менинг умрим соғларникидан узунроқ бўлар. Мана сен қанча яшашинг мумкин, йигирма йилдир, мумкин қирқ йил, кейин нима... Қўлини бир силтади, у менга қоронғида ялт этиб кўринди. Бизнинг орамизда фарқ йўқ, ҳаммамиз бу дунёни ташлаб, Охират сафарига кетамиз, ё жаннатга, ёки дўзахга. Аллоҳнинг мана бу сўзини эшитмаганмисан? **“Бас, ким дўзахдан четлатилиб, жаннатга киритилса, муҳаққақ (бахт-саодатга) эришгай”**. («Оли-Имрон»-185). Энди борақол, яхши ётиб тур.

Мен тез юриб кетдим, унинг “Аллоҳ сени ҳидоят қилсин, намозингни унутма!” деган овози қулоғимда жарангларди.

Эрталаб соат саккиз, эшикни кимдир тақиллатмоқда. Бу уйқудан турадиган вақтим эмас. Йиғи-сиғи, ҳар хил овозлар... Ё Аллоҳ нима бўлдийкин?!

Билсам, Нуранинг аҳволи оғирлашибди. Дадам уни шифохонага олиб кетибди. «Иннаа лиллаҳи ва иннаа илайҳи рожиууна»

“Албатта биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз У Зотга қайтаригувчилармиз”. («Бақара» 155- оят).

Ишқилиб, Нура ўзи айтганидек узоққа сафар қилиб кетмасин. Узоқ



Ислом Нури

кутгандан кейин, бу йилги таътилда ҳам уйда ўтирмайликда.

Пешин вақти, соат бирларда дадам шифохонадан қўнғироқ қилди:

- Агар ҳозир уни кўришга кела олсаларинг, тез келинглар.

Онамнинг айтишича, дадамнинг сўзи хавотирли, овози бошқачароқ.

Ҳижобимни қўлимга олдим...

Ҳайдовчи қани?...

Тезда машинага ўтирдик. Ҳар доим ўтиб юрадиган, жуда қисқа бўлиб кўринадиган йўл қани? Нима учун у бугун жудаям узун? Ўнг ва чапга қараб томоша қилиб кетадиган, мен учун чиройли бўлиб кўринган гавжум одамлар қани? Онам ёнимда Нурани дуо қилиб кетарди. У солиҳа, итоатли қиз эди. Ҳечам вақтини бекор ўтказганини кўрмаганман.

Шифохонанинг ташқи эшигидан кирдик. Мана бу касал оҳ-воҳлаяпти, буниси автохалокатга учраган, унисининг эса кўзлари киртайиб кетган... Билмайсан у дунё аҳлиданми ёки Охират аҳлиданми? Даҳшатли манзара, бунақасини илгари кўрмаганман. Зинапоядан тезда тепага кўтарилдик. У реанимация хонасида экан. Ҳамшира етиб келди. У ёқимли қиз экан. "Сизларни унинг олдига олиб бораман", - деди ва Нуранинг ҳушига келганидан кейин, аҳволи яхши эканлигини айтиб, онамни тинчлантирди. Мана реанимация хонаси. "Бир кишидан ортиқ киши кириши ман қилинади", - деб ёзиб қўйилган. Хона эшигидаги кичкина дераза орқали шифокорларнинг орасидан Нура опамнинг кўзлари менга тикилиб турганлигини кўрдим. Унинг ёнида онам турарди. Икки дақиқадан кейин онам кўз ёшларини яшира



Ислом Нури

олмаган ҳолда чиқди. Кўп гаплашмаслик шарти билан икки дақиқага менга ҳам рухсат беришди.

- Аҳволинг қалай, Нура? Кеча кечқурун яхши эдинг, сенга нима бўлди?

Қўлимни сиқиб ушлаганича, менга жавоб берди:

- Алҳамдулиллаҳ. Мен ҳозир жуда яхшиман.

- Алҳамдулиллаҳ. Лекин нега қўлинг муздек? Мен кроватнинг четида ўтирар эканман, унинг оёғига билмай тегиб кетдим. Оёғини тортиб олди.

- Кечир мени, сени қисиб қўйган бўлсам, - дедим

У бўлса:

- Йўқ, ҳечам қисиб қўйганинг йўқ. Лекин мен Аллоҳнинг ушбу ояти ҳақида ўйлаб қолдим,- деб, Қуръондан тиловат қилди: “... (жон бериш қийинлигидан) **оёқ оёққа чалмашиб қолган бир вақтда - ана ўша Кунда Ёлғиз Парвардигорингиз (ҳузур)га ҳайдалиш бордир!**”.

(«Қиёмат», 29).

- Ҳано, мени дуо қилиб тур, мен яқинда Охират кунларининг аввалини қарши олсам керак. Сафарим узоқ, зодим оз.

У айтган гапларни эшитганимдан кейин кўзимдан ёш отилиб чиқди ва йиғладим. Кўзларим йиғидан тўхтамай қолди. Дадам Нурадан кўра мендан кўпроқ хавотир бўла бошлади. Чунки улар менинг бундай



Ислом Нури

Йиғлашимга одатланмаган эдилар.

Ўша қайғули куннинг қуёши ботиши билан уйимизда узун сукунат ҳукм сурди. Олдимга холамнинг қизи, кейин аммамнинг қизи кирди.

Ҳамма нарса кўз очиб юмгунча бўлиб ўтди...

Уйимизга келаётган одамлар кўпайиб кетди. Овозлар аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Бир нарсани билдимки, Нура ўлибди... Ким келаётганини ажратолмас ва ким нима деяётганини билмасдим...

Ё Аллоҳ, мен қаердаман, нималар бўляпти, ҳатто йиғлашга ҳам ҳолим қолмади. Кейин менга айтишларича, дадам менинг қўлимдан ушлаб опам билан охирги марта видолашишга олиб борган ва мен уни ўпганман. Мен фақат бир нарсани эслайман - унинг кафанга ўралган жасадини кўрган вақтимда унинг ўлим тўшагида ётган ҳолида айтган сўзларини эсладим: **“... (жон бериш қийинлигидан) оёқ оёққа чалмашиб қолган бир вақтда - ана ўша Кунда Ёлғиз Парвардигорингиз (ҳузури)га ҳайдалиш бордир!”**. («Қиёмат», 29), ва бу оятнинг ҳақиқатини тушуниб етдим.

Унинг намозгоҳига ўз ихтиёрим билан фақат шу кечадагина кирдим. Ўша вақтда ким мен билан онамнинг қорнида шерик бўлганини эсладим. У мен билан эгизак эди. Ким менинг ғамларимга шерик бўлганлигини эсладим. Ким мендан қайғуларимни кетгазганлигини, ким мен учун ҳидоят сўраб дуо қилганлигини ва ким ўлим ва ҳисоб ҳақида менга гапириб, узун кечаларда кўз ёшларини тўкканлигини эсладим. «Аллоҳул мустаъон»

“Аллоҳ - ёрдам сўралгувчи Зот”.



Ислом Нури

Бу Нуранинг қабрдаги биринчи кечаси. Эй Аллоҳ, унга раҳм қил ва унинг учун қабрини мунаввар айла.

Мана бу унинг Қуръони, бу жойнамози ва мана бу эса у менга, тўйимгача сақлаб қўяман деб айтган пушти ранг кўйлаги. Уни эслаб, бекор кетган кунларимга йиғладим. Тўхтамасдан йиғладим. Менга раҳм қилгин, тавбамни қабул қилгин, мени кечиргин деб Аллоҳга дуо қилдим ва унинг доимо сабот сўраб қиладиган дуосини қилдим, Эй Аллоҳ, Нурани қабрида собит қадам қил.

Тўсатдан ўзимга ўзим савол бердим: агар ўша ўлик мен бўлганимда нима бўларди? Ҳолим не кечарди? Ўзимни қамраб олган қўрқинчдан жавоб топа олмадим. Аччиқ-аччиқ йиғладим.

Аллоҳу акбар...

Аллоҳу акбар...

Мана, бомдод намозининг азони айтилмоқда, лекин у бу сафар нақадар лаззатли. Мен муаззин айтаётган калималарни такрорлаган ҳолимда биринчи марта хотиржамлик ва роҳатни ҳис қилдим. Ҳижобимни кийиб бомдод намозини ўқиш учун турдим.... Кеча опам ўқигани каби видолашувчининг намозидек, намоз ўқидим

Тонг отса кечани кутмайман асло

Кеч кирса субҳини кутмайман асло